

---

Фурқат туманида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари ўз маҳаллаларига таништирилди

[Хабарингиз бор](#), Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиларини лавозимга тайинлаш тўғрисида тегишли фармойиш қабул қилинган.

Бугун туман ҳокими, секторлар раҳбарлари бошчилигида ҳар бир ҳудудда ҳоким ёрдамчилари маҳалла раислари, фаоллари, кенгаш аъзолари, депутатлар, маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар иштирокида таништиради.

Ҳоким ёрдамчиларига маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда маҳалладаги муваффақиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятини олиб бориш, ўзига бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаши, ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш вазифалари бир қатор эслатилди.

2022-01-17 23:53:40